

Шу ҳадисга биноан, мусулмонлар илмни илмий баҳс ва китоб шаклида ёзиб боришни одат қилганлар. Бир замонлар, дунёнинг ҳеч бир жойида ўқиш-ёзиш бўлмаганида мусулмон юртларда ҳамма ёзишни билган. Қўлёзма шаклида сон-саноксиз китоблар тарқалган, баъзи бир мусулмонлар ўн минглаб китобларга эга бўлганлар. Кутубхоналардан кенг фойдаланиш мусулмон диёрларида яхши расм бўлган. Ҳозирги кунимизда дунёнинг энг тараққий этган давлатлари музейларида, қўлёзма хазиналарида сақланаётган энг қадимий ва энг қимматли қўлёзмалар мусулмонларнинг қўлёзмалари эканлигининг ўзи фикримизнинг ёрқин далилидир.

Яна шуни айтиш лозимки, бу ёлғиз фикр эмас. Замондош мусулмон олимлар бу масалани жуда яхши ўрганганлар, ҳужжат ва далиллар билан илмий равишда исбот этганлар. Бу ҳақийқатни ғарблик олимлар ҳам тан оладилар. Минг афсуслар бўлсинки, кейинчалик мусулмонлар бу муҳим нарсага эътиборсиз қарай бошлаганлар. Ҳатто илм марказларида ҳам ўқиш, оғзаки гап билан кифояланиб, ёзишга унча эътибор бермай қўйганлар. Ёзиш, хат деганда, ҳуснихат тушунилган-у, илмни қайд қилиш маъноси тушунилмаган. Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда Бухоро, Самарқанд ва бошқа машҳур илмий марказларда йигирма йиллаб ўқиган кишилар турли китобларни ўқиб, маъносини айтсалар ҳам, ёзишни хуш кўрмаганлар. Бу нарса айниқса, исломий маърифат, билим маъносида катта салбий таъсир қолдирди. Шу боис турли мусулмон халқларнинг тилларида исломий китоблар йўқ даражада. Кейинчалик ёзадиган бўлганларнинг эса дийндан, Исломдан, иймондан етарли маълумоти у ёқда турсин, саводлари ҳам йўқ.

Оқибатда оддий мусулмонлар бу соҳада қайд этилган, ёзиб, сақлаб қўйилган нарсаларни ўз тилларида ўқиш имконига эга бўлмай қолдилар.

Бу ишга энди-энди қўл урилмоқда. Аллоҳ хоҳласа, аста-секин йўлга тушиб ҳам кетар. Аммо кўп нарса зое бўлгани аниқ. Аччиқ сабоқдан ибрат олиб, илмни ёзиб, қайд қилиб, сақлашга катта аҳамият беришимиз лозим.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди